

ISSN 2181-7324

ЎЗМУ

ХАБАРЛАРИ

№ 1/2 ✪ 2018



*Ижтимоий-
гуманитар
фанлар
йўналиши*

*Направление
социально-
гуманитарных
наук*

*Social-
humanitarian
sciences*



ВЕСТНИК НУУз ✪ АСТА NUUZ

ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ

ВЕСТНИК НУУЗ

АСТА NUUZ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

**ЖУРНАЛ
1997
ЙИЛДАН
ЧИКА
БОШЛАГАН**

**2018
1/2**

**Ижтимоий-
гуманитар
фанлар
туркуми**

Бош муҳаррир:

А.Р. МАРАХИМОВ – т.ф.д., профессор.

Бош муҳаррир ўринбосари:

А.Р. ХАЛМУХАМЕДОВ – ф-м.ф.д.

Таҳрир хайъати:

Муртазаева Р.Х. – т.ф.д., проф.

Юнусова Х.Э. – т.ф.д.

Кобзева О.П. – т.ф.д.

Одилов А.А. – т.ф.н., доц.

Тўйчиев Б.Т. – ф.ф.д., проф.

Нурматова М.А. – ф.ф.д.

Абдусамедов А.Э. – ф.ф.д., проф.

Қурбонов М. – п.ф.д., проф.

Мардонов Ш.Қ. – п.ф.д., проф.

Ғозиев Э.Ғ. – псих.ф.д.

Мўминов А.Ғ. – с.ф.д.

Ганиева М.Х. – соц.ф.д., проф.

Каримов Б.Н. – фил.ф.д., проф.

Менглиев Б.Р. – фил.ф.д., проф.

Жабборов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Халикова М.И. – фил.ф.н.

Маматова Ё.М. – фил.ф.д., проф.

Сиддикова И.А. – фил.ф.д., проф.

Масъул котиб: **К. РИХСИЕВ**

ТОШКЕНТ – 2018

Қодиров Х.О. Ўқувчиларда миллий ментал хусусиятларни шакллантиришнинг инновацион механизмларини такомиллаштириш зарурияти	155
Қосимов Ш.У. Амалий касбий таълимда ўқувчиларнинг ўрганганлик даражасини назорат қилиш ва баҳолаш	158
Кулматов П. Философские взгляды Аль-Фараби	162
Қўнғиров И.Х. Фукаролик жамияти асосларини шакллантиришда, фукаролар сиёсий маданиятининг роли	165
Латипова Н.М. Формы и методы социальной работы с молодежью.....	168
Мамадалиев Б.К. Ўқувчиларнинг креатив қобилиятларини ривожлантиришда ностандарт масалалар ечишнинг аҳамияти.....	172
Mamadjonov Sh.I. Sanoat korxonalarini modernizatsiyalash, zamonaviy texnologiyalardan unumli foydalanish mexanizmini takomillashtirish	175
Мансуров А.С. Ижтимоий жараёнлар табиати ва моҳияти	178
Мансурова Г. Хорижий тилларни ўқитишда ёшларда эстетик дунёқарашни шакллантириш методлари ...	181
Марозиқов А. Соғлом она-соғлом бола муҳофазасида экологик софликнинг аҳамияти.....	183
Матжанов Н.С. Вопросы методики преподавания квантовой физики в педагогических ВУЗах	186
Махаммаджонова М.М. Бўлажак инглиз тили мутахассислари социолингвистик компетенциясини шакллантиришнинг айрим жиҳатлари	188
Маҳкамов И., Бекмирзаев М. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уни экспорт қилиш истикболлари.....	191
Маҳкамова М.У. Талабаларда ахборот маданиятини шакллантиришнинг моҳияти	194
Jo'rayeva G. Bir g'azal tahlili.....	197
Мерзаев И.Б. Якин ва Ўрта Шарқ фалсафасида атомистик назариянинг роли.....	200
Мирзажонова Э. Проблема адаптации детей с особыми потребностями к общеобразовательной школе как к социокультурной среде.....	203
Нарзиева Ю.А. Музей фаолиятида реклама сиёсатининг аҳамияти.....	206
Норов Т.О. Алишер Навоий фалсафасида инсон ва инсонпарварлик ғоялари.....	210
Нуруллаева Б.Б. Развитие мышления дошкольников посредством моделирования	215
Ортиқов О., Темирбоев М. Маънавий меросимиз файласуфлар нигоҳида.....	218
Отамуратов С. Омонатлашаётган дунё: инсон ва маънавият.....	221
Ражабов Х. Геосиёсий рақобат ва ахборот омили.....	227
Рафикова М.Р. Бўлажак божхона органи ходимларида ҳуқуқий тарбия тушунчаси, унинг мазмуни ва мақсадлари.....	230
Раҳмонов Б. Ватанпарварлик – баркамол авлод шаклланишида муҳим ахлоқий кадрият сифатида	233
Раҳматова Д. Давлат хавфсизлиги, унинг мазмуни ва таркиби	236
Раҳматова И.И. “Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси” фани ўқитувчисининг педагогик маҳорати ва касбий компетентлиги.....	239
Саифназаров И. ОТМ талабаларининг ижтимоий фанлар бўйича мустақил таълимни ташкил этишнинг инновацион усуллари (Тошкент давлат иқтисодиёт университети тажрибаси мисолида).....	242
Салимов Б.Л. Воқеликдаги мавжудлик ва ундаги тасодифий ходисалар таҳлили	246
Сафарова Т. Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги—муҳим ижтимоий кадрият сифатида	250
Сабирова У. Ахборотлашган жамият ва глобаллашув жараёларининг ўзаро боғлиқлиги	254
Сиддиқов З.Х., Эгамбердиев А.Н. Техника йўналишидаги олий таълим муассасаларида математика ўқитишда математик модель куришнинг баъзи масалалари.....	258
Ташанов А. Шарқ ва Ғарб тамаддунининг туташ манзиллари.....	261
Турғунова А.Т. Авлодлар ворислигида ахлоқий тарбияни шакллантириш	264
Турсунов Р. Билимнинг аниқлиги ва унинг ҳақиқатга эришишдаги роли	267
Убайдуллаева Р. Рефлексивные технологии личностного и профессионального роста	270
Хайдаров И. Психологияда шахс тушунчаси, шахснинг тузилиши.....	274
Халилова Н.И. Талабалар мустақил фаолиятини ташкиллаштиришда рефлексив таълим муҳитининг ўрни	276
Ходжаев О.Ш. Ўзбекистон ижтимоий тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари.....	279
Холйигитова Н.Х., Абдумаджидова Д.Р. Ўқув фаолияти мотивациясини ривожлантиришда ассертив ҳулқ-атворни шакллантиришнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари.....	282
Хужомов Б.Х. Организация учебно-тренировочной деятельности юных дзюдоистов	285
Хусеинова Д.Ў. Таълимга инновацион технологияларни жорий этиш тамойиллари	288
Шакарров Ў.Б. Раҳбар ахлоқини ўрганишнинг долзарб муаммолари	291
Ширинов А.Қ. Марказий Осиё давлатларининг инсон тараққиёти индексларига нисбатан муносабатлари клиодинамикаси	297
Эватов С., Қодиров Х. Таълим ва тарбия уйғунлигини таъминлаш масалаларига доир.....	301
Эргашева М.Х. “Авесто”даги фалсафий ғояларга синергетик ёндашув	304
Эхсонова Ф. Таълимнинг шахсга йўналтирувчанлик хусусияти.....	307

**ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ АСОСЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА,
ФУҚАРОЛАР СИЁСИЙ МАДАНИЯТИНИНГ РОЛИ**

Кўнғиров И.Х. *

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада Ўзбекистонда фуқаролар сиёсий маданиятининг шаклланиши ҳамда унинг фуқаролик жамиятидаги ўрни ва роли, сўнги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг аҳамияти, мамлакатимиз сиёсий ҳаётининг модернизациялашуви, бу жараёнларда фуқароларнинг иштироки, шунингдек, республикамизнинг тараққиётида фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги илмий асосда баён этилган.

Калит сўзлар: Фуқаролик жамияти, модернизация, сиёсий маданият, ҳуқуқий маданият, жамият, демократиялашув, сиёсий қадриятлар, трансформация, сиёсий тизим, фуқаролар эркинлиги, ижтимоий ҳаёт, жамият ривожланиши, ислохот, жамиятдаги муносабатлар, умуминсоний қадриятлар.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар, жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётининг янги сифат босқичга кўтарилиши, фуқаролар сиёсий маданиятининг трансформациялашуви ҳозирги куннинг устувор вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Сиёсий жиҳатдан етуқ, ижтимоий фаол шахсни тарбиялаш, унинг жамиятда ўз ўрнини топиб олишини таъминлаш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Чунки, сиёсий эътиқод ва сиёсий маданиятга эга бўлган фуқаро ўз ҳаётининг ижтимоий тараққиёти, манфаати ҳамда элтиёжларини чуқур ҳис этади. Шу нуктаи назардан қарайдиган бўлсак, фуқароларнинг сиёсий маданиятини юксалтириш орқали, ижтимоий ҳаётини, жамият сиёсий тизимини такомиллаштиришга, ислохотларнинг самарали кечишига эришиш мумкин.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотлар Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг бевосита ташаббуси ва раҳбарлигида қабул қилинган ҳамда изчил амалга оширилаётган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиш бўйича Ҳаракатлар стратегияси, ижтимоий-сиёсий ислохотларнинг самарадорлигини янада ошириш, вазифаларини кўндаланг қилиб қўйди ва тараққиётнинг янги босқичини бошлаб берди. Бундай жараёнларнинг амалий натижалари ҳамда хусусиятлари бугунги кунда ҳаётимизнинг барча соҳаларида, асосийси, халқимизнинг онгу тафаккури, орзу-истаклари, ҳаётга бўлган ишончлари ва интилишларида яққол кўзга ташланмоқда.

Республикамизда амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун моҳияти Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг нутқ ва маърузаларида ўз аксини топган.

Жумладан, Президентимиз БМТ бош ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида шундай деган эдилар, “Бизнинг мақсадимиз – юртимизда халқ ҳокимиятини номига эмас, балки амалда жорий қилиш механизмларини мустаҳкамлашдан иборат.

Ишончимиз комил: халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак.”[1]

Бугунги кунда Ўзбекистонда мазмунан янги давлат ва янги жамият қарор топмоқда. Натижада бундай жамиятга мос янги қадрият ва муносабатлар тизими ҳам шаклланмоқда. Ҳозирги вақтда қабул

қилинаётган қонунлар, фармон ва қарор ана шундай улкан ўзгаришларга ҳамоҳанг равишда кечмоқда. Бундай ўзгаришлар эса ўз навбатида фуқароларнинг сиёсий маданиятига ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Фуқароларнинг сиёсий маданияти мураккаб ҳамда кенг қамровли тушунча. Унинг замирида инсоннинг умумий маданияти акс этади. Фуқаронинг сиёсий маданияти турли идеаллар, қадриятлар, зарур билим ва кўникмалар ҳаётини тажрибалар ҳамда сиёсий ҳис-туйғулар мажмуидир.

Инсонда сиёсий маданият, аввало, унинг сиёсий манфаатлари, хоҳиш-истаклари атрофида мужассамлашади ва шахсий тажрибалари негизида мустаҳкамланади. Умум эътироф этилган сиёсий маданият қадриятлар, ҳуқ-атвор андозалари ҳамда анъаналар одамларни ягона сиёсий тизимга бирлаштиради, бир жамиятни бошқа жамиятдан фарқлайди. Сиёсий маданият негизида одамлар ягона давлат фуқаролари эканлигини англаб етадилар.

Жамият сиёсий ҳаётида фуқароларнинг сиёсий фаоллиги ва сиёсий маданиятининг муҳим аҳамиятга эга эканлигига тўхталиб, Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов шундай деган эдилар: – “Ўз-ўзидан равшанки, сиёсий тузум тўлатўқис амал қилишини ва унинг янада эркинлашувини таъминлаш учун уни ташкил этувчи ҳамма тузилмалар, яъни мавжуд субъектлар – шахс, сиёсий институтлар, аҳолининг ижтимоий гуруҳлари ҳамда қатламлари ва ҳоказолар тўлақонли фаолият кўрсатишига эришиш зарур”. [2]

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида шаклланган сиёсий маданият, аввало, демократиянинг ривожланишига, фуқаролик жамияти асосларини барпо этишга қаратилганлиги билан муҳим аҳамият касб этади. Чунки, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, демократик янгиланиш жараёнлари, жамият сиёсий ҳаётининг такомиллашуви – аввало, фуқароларнинг қонунларни ҳурмат қилишига, ахлоқий, маънавий қадриятларга содиқ бўлишига ҳамда сиёсий муносабатларда устуворликка эришиш каби омилларига асосланади.

Сиёсий маданият қадриятларга оид меъёрий тизимдир. У ўзида сиёсий тизимдаги таянч, эътиқодлар, кўрсатмалар, йўналишлар интилишлар тимсолларни акс эттиради ва бирлаштиради.

* Кўнғиров И.Х. – ТМИ доценти.

Фуқароларнинг сиёсий маданияти авлод-аждодлардан қолган тарихий кадрятларга таянган ҳолда такомиллашиб боради. Шунингдек, глобаллашув жараёнларида умуминсоният томонидан юксак даражада тан олинаётган демократик сиёсий кадрятлар, жамият тараққиётига таъсир этиш кучига эга бўлсагина бундай кадрятлар ҳеч қандай тўсиқларсиз қабул қилинади.

Мустақил Ўзбекистонда дунёвий давлатларга ҳос демократия тамойиллари ҳамда сиёсий кадрятлар истиқлолнинг илк кунларидаёқ сиёсий ҳаётнинг ажралмас қисмига айланиб борди. Бундай сиёсий кадрятларнинг давлат бошқарувида кенг жорий қилиниши эса мамлакатимизда амалга оширилаётган қатор сиёсий ислохотларда яққол намён бўлмоқда. Буларнинг барчаси мамлакатимизда дунёвий давлатларга ҳос тузумнинг шаклланишига ҳамда фуқаролик жамиятининг қарор топишига хизмат қилиб келмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мустақиллик, фуқаролик жамияти ва демократия тушунчалари ўртасидаги узвий алоқадорлик муҳим аҳамият касб этади. Зеро, мустақил мамлакатни демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти институтларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу боис юртимизда истиқлолнинг илк кунлариданоқ демократик янгиланиш, эркин фуқаролик жамиятини қуриш йўли танлаб олинди.

“Фуқаролик жамияти” деган тушунчанинг туб илдизлари халқимизнинг неча минг йиллик тарихига бориб тақалиши айни ҳақиқатдир. Фуқаролик жамиятининг ноёб ва бетакрор миллий институти бўлмиш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, миллий демократия мактаби маҳаллалар фақат бизнинг халқимиз турмуш тарзига, жамиятимиз ҳаётигагина ҳос экани ҳам шундан далолат беради.

Фуқаролик жамияти тўғрисидаги дастлабки фикр ва ғояларнинг ривожланишига қисқача назар ташлайдиган бўлсак. “Фуқаролик жамияти” тушунчаси илк бор Қадимги Греция ва Римда вужудга келган. Қадимги Юнон файласуфи Арастунинг сиёсий қарашларида ўз аксини топган. Чунки, ушбу тушунча ҳам Арасту томонидан илк бор илмий ва сиёсий таълимотлар мундарижасига киритилган. У фуқаролик жамиятини сиёсий қурилишнинг маълум шакли орқали бир-бирлари билан боғланган эркин ва тенг ҳуқуқли фуқаролар уюшмаси сифатида характерлаган эди. Бизнингча, фуқаролик жамиятини давлатдан ташқари ва ундан фарқ қилувчи категория, деб тушуниш ҳам Арасту қарашларидан сўнг кенг тарқалган бўлса керак. Арасту таълимотларига асосланадиган бўлсак, фуқаролик жамиятининг асосини ўз эҳтиёжлари ва манфаатларига эга бўлган фуқаролар ташкил этади.

Шунингдек, фуқаролик жамияти ғояси Европада Уйғониш даврининг жамиятшунос олимлари Т. Гоббс, Ж.Локк, Ш.Монтескье, Ж. Ж. Руссо ва бошқаларнинг асарларида ҳам илгари сурилади. Аммо, XVIII асрда рўй берган Буюк француз инқилоби боис “Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларацияси”нинг эълон қилиниши

орқали фуқаролик жамияти тушунчаси кенг тарқала бошлади.

Юртимизда бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёни давом этмоқда. Биринчи чақирик Олий Мажлиснинг 14-сессияси ва иккинчи чақирик Олий Мажлиснинг 1- ва 9-сессияларида айниқса, 2010 йил 26 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисида, мамлакатимизда иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларини ислоҳ этиш ҳамда модернизациялаш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг ўзига ҳос тамойиллари ва устувор йўналишлари белгилаб олинди.

Шуни алоҳида эътироф этиш керакки, Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг 2010 йил, 26 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисидаги: “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш устувор мақсадимиздир” деб, номланган маърузаси фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқ ҳамда ваколатларини кенгайтиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Жумладан, Биринчи Президентимиз шундай деган эдилар: Парламентнинг мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган демократик янгиланишлар, либерал ислохотлар тарғиботчисига айланишига эришиш энг асосий вазифа бўлмоғи зарур. Яна шунингдек, Фуқаролик жамияти институтлари, жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жамият ва давлат қурилиши тизимидаги ҳуқуқ ҳамда ваколатларини кенгайтиришга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш масаласи устувор йўналишга айланиши зарур. [3]

Фуқаролик жамияти шундай жамиятки, унда ижтимоий ҳаётни бошқариш ва тартибга солишда фуқаролар, улар тузган нодавлат, ноҳуқумат ва жамоат ташкилотлари фаол иштирок этади, давлатнинг баъзи бир вазифаларини ўз зиммасига олади, жамиятни бошқаришда эркинлашув барқарор тамойилга айланади.

Биз барчамиз шуни яхши тушуниб олшимиз зарурки, жамиятимизни янада демократлаштириш ва фуқаролик институтларини шакллантириш, аввало, аҳоли сиёсий фаоллигининг ўсиши, унинг сиёсий, ижтимоий ва давлат ҳаётида нечоғли фаол иштирок этиши билан узвий боғлиқ- деган эдилар, Биринчи Президентимиз Ислам Каримов.[5] Демак, фуқаролик жамияти, аҳолининг юксак сиёсий фаоллигини, демократик метъёрларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча тузилмаларига чуқур сингиб кетишини тақозо этади. Ўзи ҳам шунга хизмат қилади. Бунга эса фуқароларнинг сиёсий фаоллиги ҳамда сиёсий маданияти асосида эришилади.

Фуқаролик жамияти кишиларнинг эркин яшаши билан уларнинг сиёсий ҳуқуқий маданиятининг асосий кўрсаткичи бўлиши, қонунларга, жамият томонидан қабул қилинган ҳуқуқий нормаларга риоя этиши, уйғун ходисалардан биринга айланиши лозим. Бу ўринда эркинлик билан

зарурият, ихтиёрлик билан мажбурийлик шундай яхлитликка эришиш лозимки, ушбу яхлитлик шахс манфаатларга ҳам, ижтимоий манфаатларга ҳам мос келиши шарт. Бу вазифани амалга ошириш йўлларидан бири, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришдир. Фуқаролик жамияти фуқаролар уюшмалари ва ўзини-ўзи бошқариш органларининг юксак сиёсий, ҳуқуқий маданиятни, давлат ва фуқароларнинг туб манфаатларини ва мақсадларининг уйғунлашганини ўзида ифода этади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда кўйидаги таклиф ва тавсияларни беришни лозим топдик:

Биринчидан, фуқароларни жамиятда амалга ошириладиган туб ислохотлар билан атрофлича таништириб бориш керак;

Иккинчидан, “Харакатлар стратегияси”нинг жамият тараққиётидаги ўрнини, аҳамиятини очиб бериш керак;

Учунчидан, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш зарур;

Тўртинчидан, фуқароларнинг нодавлат, нотижорат ташкилотлари билан алоқадорлигини йўлга қўйиш керак;

Олтинчидан, фуқароларнинг сиёсий маданиятини, оширишга қаратилган ижтимоий-сиёсий тадбирларга кенг жалб қилиш зарур;

Еттинчидан, Олий Мажлис ҳамда сиёсий партияларнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти билан таништириб бориш;

Хулоса қилиб айтиладиган бўлса, фуқаролик жамияти асослари қарор топаётган ҳозирги даврда мамлакатимизда, фуқаролар сиёсий маданиятининг ўзига хос қандай асосий жиҳатларини қарор топтириш керак деб, ўйлаймиз. Бу йўлда муваффақиятга эришиш учун аввало бағрикенглик, ўзаро ҳамкорлик, озчилик фикрини ҳурмат қилиш, фуқаролар тотувлигини таъминлаш каби одамларни жипслаштирувчи сиёсий маданиятни шакллантириш зарур бўлади. Агар фуқаролар орасида ўзаро ишонч, миллий тотувлик бўлмаса манфаатли масалаларни ҳал қилишда ўзаро келишувга эриша олмайдимиз. Демак, ҳамкорлик муносабатлари, ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг очиклиги ва ошқоралиги маълум демократик тартиб қоидалардан унумли фойдаланишни тақозо этади. Ўзбекистон фуқароларининг сиёсий маданияти, ўтмиш сиёсий маданияти, ҳозирги замон сиёсий маданияти, тараққиёт босқичидаги чет мамлакатлар сиёсий маданиятларининг таъсир доирасида, уларни ижодий, таҳлилий, ўрганиш натижасида ривожланиши ҳамда такомиллашади.

АДАБИЁТЛАР

1. Мирзиёев Ш.М. БМТ бош ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи // “Халқ сўзи” газетаси.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997. –Б.182.
3. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. // “Халқ сўзи” 2010 йил, 28 январь.
4. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари.–Т.: Ўзбекистон, 2002. –Б. 22.

РЕЗЮМЕ

В статье рассмотрены место и роль политической культуры формирование гражданского общества в Узбекистане а также демократические реформы и модернизация в политической жизни. В статье раскрываются соответствующие предложения и рекомендации направленные на повышение социально-политической активности граждан и формирование качества стратегической цели Узбекистана.

Ключевые слова: Гражданское общество, модернизация, политическая культура, правовая культура, общества, демократизация, политические ценности, трансформация, политическая система, свобода граждан, социальная жизнь, развитие общества, реформа, общественные отношения, общечеловеческие ценности,

RESUME

In this article the author emphasizes the existence of independent, the place and the role of political culture in formation in the citizens society in Uzbekistan. And also democratic reform and modernization in political life their more variety of proposals and suggestions were submitted in order to enhance youth's social and political activeness, society, thinking about the formation of a harmoniously developed generation as a strategic goal of Uzbekistan.

Keywords: political, democratic, reform, modernization, the sociopolitical activeness, intellectual ability, active entrepreneurship, innovational ideas, technologies, spiritual, judicial culture, moral culture, national and mutual traditions.